




ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND PHARMACOLOGY

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojmp>



RESULTS OF AUDIOMETRICAL INDICATORS OF COCHLEOVESTIBULAR DISORDERS IN PATIENTS WITH ARTERIAL HYPERTENSION DISEASE

Ulugbek S. Khasanov

Researcher

Tashkent Medical Academy

Tashkent, Uzbekistan

Nazim A. Akhundjanov

Researcher

Tashkent Medical Academy

Tashkent, Uzbekistan

Jamolbek A. Djuraev

Researcher

Tashkent Medical Academy

Tashkent, Uzbekistan

Shokhimardon Kh. Khodjanov

Researcher

Tashkent Medical Academy

Tashkent, Uzbekistan

Abdurasul J. Botirov

Researcher

Tashkent Medical Academy

Tashkent, Uzbekistan

Azizkhon Z. Shaumarov

Researcher

Tashkent Medical Academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: cochleovestibular disorder, hearing loss, OAE.

Received: 27.02.23

Accepted: 01.03.23

Published: 03.03.23

Abstract: In this article, the authors present the audiological description of cochleovestibular disorders against the background of arterial hypertension and the analysis of examination results. According to world statistics, more than 460 million people worldwide had hearing loss in 2019, and by 2050, their number may exceed 900 million. According to a number of foreign authors,

complaints characteristic of cochleovestibular disorders (CVD) make up about 10% of patients who consult an ENT doctor, and for a general practitioner, this figure is 5%, and for a neurologist, 10-20%. Dizziness is one of the three most common complaints presented by patients to their general practitioner, occurring in 2.4-2.6% of patients during emergency consultations.

АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА КОХЛЕВЕСТИБУЛЯР БУЗИЛИШЛАРНИНГ АУДИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Улугбек С. Хасанов

Тадқиқотчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Нозим А. Охунжонов

Тадқиқотчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Жамолбек А. Джураев

Тадқиқотчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Шоҳимардон Х. Ходжонов

Тадқиқотчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Абдурасул Ж. Ботиров

Тадқиқотчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Азизхон З. Шаумаров

Тадқиқотчи

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кохлеовестибуляр бузилиш, эшитиш пастлиги, ОАЭ.

Аннотация. Ушбу мақолада авторлар томонидан артериал гипертония касаллиги фонида кохлеовестибуляр бузилишларнинг аудиологик тавсифи ва текшириув натижалари таҳлиллари келтирилган. Жаҳон статистик маълумотларига кўра, 2019 йилда дунё бўйлаб 460 миллиондан ортиқ одам эшитиш қобилиятини йўқотган

ва 2050 йилга келиб уларнинг сони 900 миллиондан ошиши мумкин. Бир қатор хорижий муаллифларнинг фикрига кўра, кохлеовестибуляр бузилишлар (КВБ) учун характерли шикоятлар ЛОР шифокорига мурожаат қилган bemорларнинг тахминан 10% ни ва умумий амалиёт шифокори учун бу кўрсаткич 5%, невролог учун эса 10-20%ни ташкил қиласди. Бош айланиши bemорлар томонидан умумий амалиёт шифокорига кўрсатилган энг кўп учрайдиган учта шикоятдан бири бўлиб, шошилинч маслаҳатлар орасида bemорларнинг 2,4-2,6 фоизида учрайди.

РЕЗУЛЬТАТЫ АУДИОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОХЛЕОВЕСТИБУЛЯРНЫХ НАРУШЕНИЙ У БОЛЬНЫХ АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ

Улугбек С. Хасанов

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Назим А. Ахунджанов

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Жамолбек А. Джураев

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Шохимардон Х. Ходжанов

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Абдурасул Дж. Ботиров

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

Азизхон З. Шаумаров

Исследователь

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кохлеовестибулярное расстройство, тугоухость, ОАЭ.

Аннотация: В данной статье авторы представляют аудиологическое описание кохлеовестибулярных нарушений на фоне

артериальной гипертензии и анализ результатов обследования. Согласно мировой статистике, в 2019 году более 460 миллионов человек во всем мире имели нарушения слуха, а к 2050 году их число может превысить 900 миллионов. По данным ряда зарубежных авторов, жалобы, характерные для кохлеовестибулярных нарушений (КЗВ), составляют около 10% больных, обращающихся к ЛОР-врачу, причем у терапевта этот показатель составляет 5%, а у невролога - 10-20%. Головокружение является одной из трех наиболее частых жалоб, предъявляемых пациентами своему врачу-терапевту, возникающее у 2,4-2,6% пациентов во время экстренных консультаций.

КИРИШ

Цереброваскуляр бузилишлар муаммоси замонавий тиббиёт ва неврологияда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда: бу инсультларнинг юқори частотаси (йилига 100 000 аҳолига 250-300 та ҳолат) ва оғир ногиронликдан далолат беради, бу одатда мия томирларининг шикастланиши билан бирга келади [3]. Ушбу патология учун етакчи хавф омиллари артериал гипертония ва атеросклероз бўлиб, миянинг қон томир тизимининг барча даражаларида - катта брахиоцефалик томирлардан кичик калибрли коллатералларга қадар бир қатор ўзига хос ўзгаришлар билан тавсифланади [7-13]. Цереброваскуляр бузилишларнинг ривожланишини маълум бир босқичида бош мия қон оқимини ўзини бошқариш имконияти йўқолади ёки мия моддасининг перфузияси ва ишемияси бузилади, натижада сурункали (дисциркулятор энцефалопатия) ёки ўткир (инсульт) мия қон айланишининг бузилиши кузатилади [2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Цереброваскуляр шикастанишлар кўпинча аудиологик ва вестибуляр синдромлар сифатида намоён бўлади, тажриба шуни кўрсатадики, амалда уларга етарлича эътибор берилмайди. Артериал гипертония ва атеросклероз фонида ривожланган мия қон оқимининг пасайиши мия асосида жойлашган VIII жуфт краниал нервларнинг ядролари ҳамда ички қулоқ тузилмаларида дегенератив ўзгаришларнинг сабаби ҳисобланади. Бир қатор муаллифларнинг илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, кохлеовестибуляр бузилишлар аксарият ҳолатларда артериал гипертония ва атеросклероз натижасида келиб чиқсан сурункали бош миянинг ишемияси клиник кўринишида етакчи ўринни эгаллайди ва кўпинча касалликнинг дастлабки белгилари бўлиб ҳисобланади [1]. Шунинг учун нафақат отоневрологлар ва ЛОР мутахассислари, балки мия қон томирларининг бирламчи ва

иккиламчи профилактикасини амалга оширишда бевосита иштирок этадиган неврологлар, кардиологлар, терапевтлар томонидан ҳам ушбу ҳолатларнинг белгиларини билиш катта амалий аҳамиятга эга [14]. Шуни қўшимча қилиш керакки, кохлеовестибуляр бузилишларнинг белгилари беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатади, кўпинча майший ва ижтимоий соҳаларда, касбий фаолиятда ва кундалик жисмоний фаолиятда жиддий бузилишларни келтириб чиқаради.

Кохлеовестибуляр синдромлар вестибуляр бузилишлар (бош айланиши, бекарорлик, нистагм) билан эшлиши бузилиши (эшлиши қобилиятининг йўқолиши, бош айланиши) бирикмасидир. Лабиринт VIII жуфт нервнинг ва илдизларини озиқлантирадиган кичик артерияларда қон айланишининг етишмовчилиги билан боғлиқ периферик кохлеовестибуляр синдром ва эшлиши ва вестибуляр ядроларнинг ишемияси натижасида келиб чиқсан марказий кохлеовестибуляр синдром мавжуд [9]. Кохлеовестибуляр касалликларни, айниқса уларнинг пайдо бўлиш частотаси ва беморларнинг ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда даволаш жуда долзарб муаммодир. Юқорида қайд этиб ўтилган дорилар орасида Бетагестидин дори кенг танланган дори бўлиб қолмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бир қатор тадқиқотлар натижаларини (шу жумладан, икки томонлама кўр-кўроня плацебо-назорат қилинадиган) таҳлили шуни кўрсатадики, Бетагестидин таъсирида унинг бош айланишининг турли патогенетик механизmlарига кўп қиррали таъсирини ўтказashi, шунинг учун шубҳасиз патогенетик асослилигини кўрсатади. Бетагестидин ички қулоқнинг H1 ва H3 гистамин рецепторлари ва марказий асад тизимининг вестибуляр ядроларига таъсир қиласи. Ички қулоқ томирларининг H1 рецепторларига тўғридан-тўғри агонистик таъсир кўрсатиши билан, шунингдек, билвосита H3 рецепторларига таъсир қилиш орқали препарат ички қулоқнинг микроциркуляцияси ва капилляр ўтказувчанлигини яхшилайди, лабиринт ва чиганоқда эндолимфа босимини нормаллаштиради ва базиляр артерияда қон оқимини оширади [12].

Шундай қилиб, кохлеовестибуляр бузилишлар (КВБ) уларнинг сезиларли даражада тарқалиши ва эшлиши ва мувозанат органлари, шунингдек тананинг бошқа тизимлари томонидан кўплаб салбий кўринишларнинг мавжудлиги туфайли катта тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир. Барча муаллифлар кохлеовестибуляр бузилишларнинг энг фаол ва меҳнатга лаёқатли аҳолига таъсир қилишига ягона бир тўхтамга келишган ва бу унинг муҳим ижтимоий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади гипертония фонида кохлеовестибуляр бузилишларнинг аудиологик хусусиятларини ўрганишdir.

Тадқиқот материал ва усуллари. 2019-2021-йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиология бўлимида даволанган 110 нафар беморни текшириш

натижалари келтирилган. Ушбу гурухдаги беморларнинг касаллик тарихи ва текширув натижалари ўрганилган. Текширувдан ўтган беморларнинг ёши 2015 йилги Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ёш таснифи бўйича тақсимланган. 18-44 ёш - 12 киши (10,9%), 45-59 ёш - 76 бемор (69,1%) ва 60 ёшдан ошганлар - 22 нафар (20%) текширилди.

Тошкент Тиббиёт Академиясининг кўп тармоқли клиникасида даволанган 110 нафар бемор бўлиб, улардан 1-гурухга БМҚАЕЭБ билан касалланган 28 нафар бемор, 2-гурух - ГЭ ташхиси билан 38 нафар бемор - I, 3-гурух - 26 нафар бемор, ГЭ ташхиси билан - II, 4-гурух - ГЭБМҚАЎБ билан оғриган 19 бемор ва назорат гурухи амалда соғлом деб топилган 20 кишидан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг мухокамаси.

Эшитиш ўткирлигини нутқли текшириши натижалари.

Текширилган 110 та беморнинг 85 нафарда (77,3%) шивирлаш нутқни идрок этишнинг ёмонлашуви аниқланган, фақат 6 нафарида бир томонлама, қолганларида эса икки томонлама бўлган. Сўралганларнинг кўпчилигига шивирлаб гапиришни эшитиш 3 метрдан 6 метргача қисқарган. Текширилаётган беморнинг шивирлаш нутқида эшитиш қобилияти тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ИОЦВБ билан ГК бўлган беморларда шивирлаш нутқи учун эшитиш ўткирлигининг хусусиятлари

ИОЦВБ шакллари	Ичида	Рақамларда эшитиш бўсағасини ошиши			
		Норма	3 м.гача	3 дан 6 м гача	Жами
БМҚАЕЭБ	10	1	17	18	16,4
ГЭ – I босқ.	11	3	23	26	23,6
ГЭ – II босқ.	4	5	17	22	20
ГЭБМҚАЎБ	-	7	12	19	17,3
Жами:	25	16	69	85	77,3

Назорат гуруҳида шивирлаш нутқни нормал идрок этиш 28 кишида (93,3%) аниқланган, текширилганларнинг иккитасида шивирлаш нутқини эшитиш ҳар икки томондан 5 м гача пасайган, бу ўзгаришлар ёшга боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, назорат гуруҳидаги беморларда шивирлаш нутқни нормал идрок этиш ИОЦВБ билан оғриган беморларга қараганда 10 баробар кўпроқ содир бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

ИОЦВБ билан оғриган беморларда сўзлашув нутқи учун эшитиш ўткирлигининг хусусиятлари

Шакл	Ичида	Оғзаки нутқни метрларда идрок этиш			Жами
ИОЦВБ	норма	3 м гача	3-6 м	6-9 м	

БМҚАЕЭБ	14	-	2	12	14
ГЭ - I босқ.	17	1	3	16	20
ГЭ - II босқ.	6	3	6	11	20
ГЭ	2	5	8	4	17
ГЭБМҚАҮБ билингвистика					
Жами:	39	9	19	43	71

Жадвалдаги маълумотларга кўра, текширилганларнинг 39 нафарида (35,5%) сўзлашув нутқини идрок этиш бузилмаган, 71 нафарида (64,5%) сўзлашув нутқини идрок этиш пасайган; БМҚАЕЭБ билан - 28 беморнинг 14 нафарида, ГЭ – I босқ. 20 нафарида 37 нафардан, ГЭ билан - II босқ. – 20 нафарида 26 нафардан, ГЭБМҚАҮБ – 17 нафарида 19 нафардан аниқланган.

Нутқли аудиометрия натижалари.

Кенгроқ частота диапазонидаги эшитиш рельефларини батафсилроқ ўрганиш учун биз камертонал тадқиқотлар билан бир қаторда аудиометр ёрдамида эшитишни ўргандик.

Текширилган 110 беморнинг 82 нафарида (74,5%) аудиограммада товушни идрок этишнинг турли даражадаги шикастланиши аниқланган, 28 (25,5%) беморда тонал эшитиш нормал чегарада эди. Агар биз тонал эшитиш ҳолатини ГЭ босқичларига кўра кўриб чиқсан, у ҳолда БМҚАЕЭБ билан оғриган 28 беморнинг 11 нафарида нормал эшитиш аниқланган, ГЭ – I босқ. 37 нафардан 13 нафарида, ГЭ билан – II босқ. 26 бемордан 3 нафарида ва ГЭБМҚАҮБ билан ГЭда - 7 бемордан 1 нафарида аниқланган.

Ҳаво ва суяк ўтказувчанлигида эшитиш қобилиятини заифлашиш даражасига кўра, барча аудиограммалар 4 гурухга бўлинган. Ҳар бир гуруҳдаги беморлар сони тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ҳаво ўтказувчанлиги билан эшитиш қобилиятини заифлашиш даражаси

Фойдаланган частоталар	Йўқотиш эшитиш %да	шакллар		ИОЦВБ		Жами	
		БМҚ АЕЭБ	I	II	ГЭБМҚ АҮБ билингвистика	микдор	микдор, %
125-2000 Гц	5 -10	13	15	9	5	42	38,2
	11 - 20	3	5	7	8	23	20,9
	21 - 30	1	3	5	3	12	10,9
	>30	-	1	2	2	5	4,5
3000 - 8000 Гц	5 -10	7	7	3	2	19	17,3
	11 - 20	8	10	5	2	25	22,7
	21 - 30	2	3	4	1	10	9,1
	>30	-	4	11	13	28	25,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, ИОЦВБда эшитиш органининг шикастланиши учун юқори оҳангларни идрок этишнинг асосий пасайиши характерлидир. Шундай қилиб, агар нутқ зонаси оҳангларини идрок этиш пайтида 5 (4,5%) беморда эшитиш қобилиятининг

30% дан ортиқ йўқолиши аниқланган бўлса, 28 нафарида 3000-8000 Гц га тенг, бу 5 маротаба одатдагидан кўра кўпроқдир.

Эшитиш аъзосининг шикастланишининг табиатини тўлиқроқ акс эттириш учун биз сяяк ўтказувчанлиги товушлари учун эшитиш қобилиятини йўқотиш даражасини таҳлил қилдик. Бу ҳақдаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Сяяк ўтказувчанлиги товушлари учун эшитиш қобилиятини йўқотиш даражаси.

Фойдаланган частоталар	Йўқотиш эшитиш %да	ИОЦВБ шакллари				Жами	
		БМҚАЕЭБ	ГЭ I	ГЭ II	ГЭ ГЭБМҚАЎ Б билан	микдор	микдор %
125-2000 Гц	5 -10	11	11	7	2	31	28,2
	11 - 20	4	7	7	4	22	20
	21 - 30	2	4	5	6	17	15,5
	>30	-	2	4	6	12	10,9
3000 - 8000 Гц	5 -10	3	1	-	-	4	3,6
	11 - 20	4	4	4	-	12	10,9
	21 - 30	6	8	4	3	21	19,1
	>30	4	11	15	15	45	40,9

Жадвалдан кўриниб турибдики, сяяк орқали ўтказиладиган товушлар учун эшитиш кескинлигининг пасайиши юқори тонларда ҳам аниқроқ ифода этилган. Шундай қилиб, нутқ зонасининг оҳанглари бўлган 12 (10,9%) bemорда ва 3000-8000 Гц оҳанглари бўлган 45 (40,9%) bemорда эшитиш ҳажмининг 30% дан ортиқ пасайиши аниқланди.

Нутқни эшитиш ҳолатининг касалликнинг оғирлигига боғлиқлигини аниқлаш учун биз 5-жадвалда келтирилган касалликнинг босқичлари бўйича нутқни эшитиш маълумотларини таҳлил қилдик.


5-жадвал

ИОЦВБнинг турли шакллари бўлган гипертония билан оғриган bemорларда нутқни эшитиш ҳолати.

Аниқлик нутқларнинг турлари	Кассаликнинг босқичи							
	БМҚАЕЭБ		ГЭ-I		ГЭ-II		ГЭ ГЭБМҚАЎБ билан	
	Жами	N нутқни эшитиш						
	Нутқни эшитишнинг пасайиши		Нутқни эшитишнинг пасайиши		Нутқни эшитишнинг пасайиши		Нутқни эшитишнинг пасайиши	

1	12	-	12	18	-	18	1	-	15	1	-	10
2	16	6	10	18	5	13	5	3	3	0	1	4
3	-	-	-	1	-	1	6	-	5	5	-	4
Жами	28	6	22	37	5	32	2	3	23	1	1	18
							5	4	9			


Жадвалдан кўриниб турибдики, БМҚАЕЭБ билан оғриган беморларнинг аксарияти нутқнинг тушунарлилиги эгри чизигининг иккинчи турига (57,1%) ва 12 (42,9%) биринчи турга эга бўлган. 6 та нутқда эшитиш нормал чегарада, 22 нафарида эса пасайган. ГЭ-І босқ. билан. Биринчи турдаги эгри чизик 18 (48,65%), иккинчи турдаги - 18 (48,65%), учинчи турдаги - 1 (2,7%).




Расм 1. Беморларни эшитиш қобилиятини йўқотиш даражасига кўра тақсимлаш.

Импедансометрия тадқиқотида барча bemорларда А типидаги тимпанограммалар қайд этилди, бу аудиограмма маълумотлари билан биргаликда ўрта қулоқ тузилмаларида бузилишлар йўқлигини кўрсатди. Бошқа турдаги bemорларда тимпанограммаларни рўйхатдан ўтказишида улар тадқиқотдан четлаштирилди. Ипсолатерал акустика 12 кишида (10,9%) қайд этилган, асосий гурӯҳда 98 (89,1%) ҳолатда қайд этилмаган.

Кечиккан чақирилган отоакустик эмиссия (КЧОАЭ) bemорларнинг 68,2 фоизида асосий гурӯҳда рўйхатга олинмаган, яъни 75 bemорда тестдан ўтмаган ва ПИОАЭ bemорларнинг 59,1 фоизида рўйхатга олинмаган, яъни 65 нафар bemор муваффақиясизликка учради (2 ва 3-расм).



2-расм. Рўйхатдан ўтиш натижалари КЧОАЭ.



3-расм. Рўйхатдан ўтиш натижалари ПИОАЭ.

ҚЛЭЧП нинг рўйхатга олиш қўрсаткичлари I тўлқин амплитудасининг нормага нисбатан пасайиши ёки унинг йўқлиги, I\IV тўлқинлар амплитудаларининг фоиз нисбатининг 1,5 баравар ошиши, шунингдек, дифференсиал товуш чегараси 1,5 баравар ошиши билан тавсифланган ва эшлишиш анализаторининг периферик даражасида товушни идрок этишининг бузилишини кузатилган. ҚЛЭЧПдаги вестибуляр анализаторнинг ҳолатини ўрганиб, биз лабиринтнинг спонтан вестибуляр реакцияларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқладик.

ХУЛОСА

ГКдаги эшлишиш анализаторининг бузилиши қуйидагилар билан тавсифланади: асосан юқори товуш частоталарида суяк ўтказувчанлигини қабул қилишни ёмонлашиши, эшлишининг ҳам лабиринт, ҳам ретролабиринт соҳаларини шикастланиши, нутқни қабул қилишни соғ тонларда диссоциацияси кузатилади. Биз томонидан текширилган ИОЦВБ билан касалланган 110 нафар bemornинг 76 нафари (69,1%) шовқинлардан шикоят қилган: улардан 15 нафарида (13,6 фоиз) шовқин қулоқларда, 12 нафарида (10,9 фоизда) шовқин пайдо бўлган, 49 нафар bemорда (44,6%) бош ва қулоқлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Attyé A., Eliezer M. Endolymph magnetic resonance imaging: Contribution of saccule and utricle analysis in the management of patients with sensorineural ear disorders //European Annals of Otorhinolaryngology, Head and Neck Diseases. – 2020. – Т. 137. – №. 1. – С. 47-51.
2. Bae S. H. et al. Is the cochleovestibular nerve function affected in patients with hemifacial spasm? //Acta Neurologica Belgica. – 2021. – С. 1-5.
3. Chebib E. et al. Predictors of cochleovestibular dysfunction in children with congenital cytomegalovirus infection //European Journal of Pediatrics. – 2022. – С. 1-10.

4. Ciorba A. et al. Autoimmune inner ear disease (AIED): a diagnostic challenge //International journal of immunopathology and pharmacology. – 2018. – T. 32. – C. 2058738418808680.
5. Eyermann C. et al. Cochleovestibular manifestations in Fabry disease: Importance of screening and systematic ENT evaluation //European Annals of Otorhinolaryngology, Head and Neck Diseases. – 2019. – T. 136. – №. 4. – C. 273-279.
6. Fatma M. et al. Cochleo-vestibular disorders in diabetic patients //Endocrine Abstracts. – Bioscientifica, 2022. – T. 81.
7. Khoza-Shangase K. Cochleovestibular findings linked to COVID-19: A scoping review for clinical care planning in South Africa //South African Journal of Communication Disorders. – 2022. – T. 69. – №. 2. – C. 899.
8. Kryukov A. I. et al. A case of hearing preservation during surgical treatment of distributed fistula labyrinth in a patient with chronic purulent means otitis and cholesteatoma //Vestnik otorinolaringologii. – 2022. – T. 87. – №. 3. – C. 99-106.
9. Lemasson J. et al. Cochleovestibular toxicity induced by immune checkpoint inhibition: a case series //European Journal of Cancer. – 2019. – T. 117. – C. 116-118.
10. McNeill A. et al. SLC12A2 variants cause a neurodevelopmental disorder or cochleovestibular defect //Brain. – 2020. – T. 143. – №. 8. – C. 2380-2387.
11. Neri G. et al. Assessment of the effect of mesoglycan in the treatment of audiovestibular disorders of vascular origin //International Journal of Immunopathology and Pharmacology. – 2018. – T. 32. – C. 2058738418773833.
12. Sluydts M. et al. The relationship between cochleovestibular function tests and endolymphatic hydrops grading on MRI in patients with Menière's disease //European Archives of Oto-Rhino-Laryngology. – 2021. – T. 278. – №. 12. – C. 4783-4793.
13. Tardov M. V., Igor'V D. Cochleovestibular disorders: clinical and pathogenetic aspects //Medical Journal of the Russian Federation. – 2020. – T. 26. – №. 3. – C. 188-194.
14. Zh R. A., Abdukayumov A. A. INDICATORS OF COCHLEOVESTIBULAR DISORDERS IN CHRONIC SUPPURATIVE OTITIS MEDIA //E Conference Zone. – 2022. – C. 88-89.